



ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

10/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети; Норматов Бекзод Ақром ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири; Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети; Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети; Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Norbekov Ahmadjon Norbekovich

XX-ASRNING BIRINCHI YARMIDA O'ZBEKISTONNING SIYOSIY -IJTIMOIY VA IQTISODIY HOLATI 11-18

Eliboyev Ozodjon Po'lat o'g'li

BAQTRIYANING KUSHONIYLAR DAVRI SHAHARSOZLIGI VA ME'MORCHILIGI..... 19-23

Нуритдинова Нодира Сирожсона

XX-ACP БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)..... 24-28

Чориев Шоҳруҳ Ҳолтура ўғли

ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА 29-38

Жумаева Шоира Бердияровна

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ 39-43

Jo'rayev Muxriddin Xasanovich

MOVAROUNNAHRLIK MUHADDISLARNING ILMIY SAFARLARI VA SAFAR YO'LLARI GEOGRAFIYASI..... 44-51

Муқимова Рисолат Рустамжон қизи

ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР 52-56

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТҮЛОВ ҚОБИЛИЯТИ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВИ 57-69

Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna

MINTAQALARDA FARMATSEVTIKA SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURIYATI 70-75

Matkarimov Inomjon Baxtiyorovich

QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHDA AGROBIOKIMYO XIZMATLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING OBYEKТИV ZARURATI 76-86

Ибадуллаев Дилшад Ибрагимович

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ 87-92

Исламутдинова Дина Файзрахмановна

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 93-102

Qobiljon Isaev

O'ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA (JST) A'ZO BO'LISHINI IQTISODIY BAHOLASH 103-110

09.00.00 – FALSAFA FANLARI*Xaitov Elmurod Bekmurodovich*

O'ZBEKİSTONDA "AHOLI HAYOT SİFATI"GA ASOSIY YONDOSHUVLAR: MUAMMO VA
YECHIMLAR (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLİL) 111-116

Rasulov Zoҳiddin Usarovich

СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ: РИТМ, ҲАРАКАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ УЙФУНЛИГИ 117-122

Tavmuradov Жамишид Элмурадович

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС 123-128

Davronov Otabek Ulug'bek o'g'li

YUSUF QORABOG'ΙY SHAXSIYATI VA FALSAFIY-ILMIY MEROΣI 129-132

Muxtorova To'tixon Solijonovna

FALSAFA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: METODLAR
VA AMALIYOTLAR 133-137

Akramov G'iyosiddin Najmiddinovich

MARGINALLASHUV TUSHUNCHASINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI 138-142

Ahmedova Dilrabo

DINIY BAG'RIKENGLIKNING YOSHLAR IJTIMOIY, MA'NAVIY QIYOFASI SHAKLLANISHIDAGI
IJTIMOIY POTENSIALI 143-150

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI*Abdunabiyev Sunnat Botirovich*

IBN BATTUTANING «SAYOHATNOMA» ASARIDA TARIXIY SHAXSLAR NOMINING TARJIMADA
BERILISHI 151-159

Seytnazarova Injayim

ADABIYOTSHUNOSLIK SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN
FOYDALANISH TAHLILI 160-168

Tukhtakhodjaeva Zulfiya

PHRASEOLOGY AS A SUBSYSTEM OF THE ENGLISH VOCABULARY 169-174

Abdusalamov Doniyor Togayali oglı

REFLECTION OF THE CONCEPT OF «POLITENESS» IN THE PHRASEOLOGICAL AND
PAREMIOLOGICAL RESERVOIRS OF THE COMPARED LANGUAGES 175-179

Axmedov Anvar Botirovich

TILNING NOMINATSIYA TIZIMIDA O'ZLASHMA SO'ZLAR 180-184

Aminov Farrukh Komiljon Ugli

THE EVOLUTION OF MEDIA DISCOURSE: FROM TRADITIONAL FORMS TO MULTIMODAL
REPRESENTATIONS IN DIGITAL SPACES 185-193

Sharipov Bobur Salimovich

RETSİPROKLİ SEMANTIK DERIVATSIYA 194-201

Abduganiyeva Zebuniso Abduhafizovna

ILMIY DISKURSNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 202-205

| | |
|---|---------|
| <i>Samatov Farxod Muminovich</i> | |
| O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA "TV" SEMANTIK MAYDONI LEKSIK BIRIKLARINING SO'Z YASALISH XUSUSIYATLARI (ABBREVIATURALAR MISOLIDA) | 206-210 |
| <i>Kendjayeva Zemfira</i> | |
| METAFORIK POLISEMIYANING LINGVISTIK YUMORI..... | 211-216 |
| <i>Abdullayeva Nilufar Ramazonovna, Uzoqova Durdona Baxtiyor qizi</i> | |
| INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA «HID», « IS» KONSEPTINING SEMANTIK TAHLILI | 217-221 |
| <i>Saydullayeva Dilrabo Ilxom qizi</i> | |
| ALISHER NAVOIYNING "NASOYIM UL-MUHABBAT" TAZKIRASI VA SULAMIYNING "TABAQOT US-SUFIYA" ASARLARI O'RTASIDAGI MUSHTARAKLIKALAR | 222-226 |
| <i>Шарапова Лола Станиславовна</i> | |
| ИЛЛЮЗИЯ И РЕАЛЬНОСТЬ В КОНТЕКСТЕ МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА..... | 227-232 |
| <i>Ҳакимова Мастура Файзиллаевна</i> | |
| ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҶОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАҲНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ) | 233-239 |
| <i>Mo'soyeva Hayitgul O'rroqovna</i> | |
| "HEART" – "YURAK" SO'ZLI METAFORALARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI KOGNITIV TAHLILI | 240-245 |
| <i>Mamataliyeva Navbahor Xujamberdiyevna</i> | |
| INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TEZ AYTISHLARNING STRUKTURAVIY TAHLILI | 246-250 |
| <i>Багаутдинова Ильмира Салаватовна</i> | |
| ВЛИЯНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА НА ПРОИЗНОШЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ | 251-255 |

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

| | |
|--|---------|
| <i>Nuraliyev Oyatillo Abduvaliyevich</i> | |
| EFFECTIVE PRACTICES FOR DRAWING YOUNG TALENT TO UZBEKISTAN'S PUBLIC CIVIL SERVICE | 256-268 |
| <i>Алиев Асилбек Кадирович</i> | |
| ВОПРОСЫ ОТГРАНИЧЕНИЯ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ГРУППОВОГО ХУЛИГАНСТВА | 269-275 |
| <i>Hong Weixing</i> | |
| INTERNATIONAL LAW AS THE FOUNDATION FOR THE DEVELOPMENT OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA | 276-284 |
| <i>Султанова Сабоҳат Алишеровна</i> | |
| ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН | 285-290 |
| <i>Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi</i> | |
| O'ZBEKİSTONNING AXBOROT TEXNOLOGİYALARI SOHASIDAGI TRANSMILLİY JINOYATLARGA QARSHI KURASH MASALALARI | 291-298 |
| <i>Абдусамиева Дилярабо Абдувахоб кизи</i> | |
| ПРЕВЕНТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ПОСТПЕНИЕНЦИАРНОЙ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ | 299-304 |
| <i>Khalikov Khayot</i> | |
| THE ROLE OF MODEL UNITED NATIONS IN SHAPING GLOBAL LEADERS AND LAWYERS: A CASE STUDY ON UZBEKISTAN'S YOUTH | 305-311 |

Даулетова Динара Даулетовна

ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ ХИЩЕНИЮ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА.. 312-317

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Tolipov Bahtiyёр Hamitovich

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ 318-324

Sobirova Gulibarno Zainitdin қизи

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ
РУССКОГО ЯЗЫКА 325-335

Xolmatova Ziroatxon Anvarovna

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TASHXISLASH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA
INNOVATSION-METODOLOGIK YONDASHUVLAR 336-339

Abduxoliqov Sardor Safarovich

YOSH DZYUDOCHILARNI JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI
O'YINLARNING O'RNI 340-344

Usmonova Mohizoda Avazjon qizi

GLOBOL TA'LIM MUHITIDA TALABALARNING MULOQOT MADANIYATINI INTEGRATIV
YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH TIZIMI 345-348

Xodjiyeva Zumrad

MEZONLARGA ASOSLANGAN BAHOLANISHNING CHEKLANGAN DOIRASI 349-352

Turdiyev Ismoil Allayorovich

OLIY TA'LIM HAYOTIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI
HAQIDA 353-358

Ibadullaev G'ayrat Akmuradovich

BO'LAJAK FIZIKA-ASTRONOMIYA O'QITUVCHILARINING KOMPETENTLIGINI
RIVOJLANTIRISH METODLARI 359-364

Ishonkulov Sherali Sharifovich

TALABALARNING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI
DASTURLARDAN FOYDALANISH 365-372

Raxmatov Rafik G'ayratovich

IMKONIYATI ChEKLANGAN O'QUVCHILAR RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI
SOG'LOMLASHTIRISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK
IMKONIYATLARI 373-378

Xalmuratova Shaxnoza Bekmurzaevna

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING RISKOLOGIK MADANIYATINI
SHAKLLANTIRISH TAMOYILLARI 379-383

Meliboyeva Nodira Qaxramanjanovna

MIRSODIQ TOJIYEV MEROSI (CHANG UCHUN YARATGAN ASARLARI MISOLIDA) 384-387

Qodirov Mirjalol Tolmasovich

TA'LIMDA GIPERMATNLI AXBOROT MODELLARINI QURISHNING ZAMONAVIY
TEXNOLOGIYALARI VA ASPEKTLARI 388-392

Karimova Aziza

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI SCAMPER TEXNIKASI ORQALI BOLALARNING KREATIV
TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA O'RGATISH METODIKASI 393-399

*Nishonov Nodir Alimjanovich*BO`LAJAK O`QITUVCHILARDA FUTUROLOGIK TAHLIL QILISH KO`NIKMALARINI
RIVOJLANTIRISHNING MUHIM ASPEKTLARI 400-404*Xidirova Durdona Muxtorovna*SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA O`QUVCHI QIZLARNI IJTIMOIY MADANIY
MUNOSABATLARGA TAYYORLASH MEXANIZMLARI 405-408

Received: 10 December 2024**Accepted:** 15 December 2024**Published:** 25 December 2024*Article / Original Paper***THE IMPORTANCE OF PILGRIMAGE PLACES IN THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN THE CENTRAL ASIAN REGION****Jumaeva Shoira Berdiyarovna**

Associate Professor, Department of History, Chirchik State Pedagogical University

Abstract. This article explores the unique features of sacred sites and pilgrimage objects in Central Asia, common characteristics in pilgrimage rituals, as well as changes occurring in modern pilgrimage practices. Additionally, it examines the role and significance of pilgrimage sites in the development of pilgrimage tourism. It is noted that in recent years, the number of travelers interested in pilgrimage tourism has been increasing. Central Asian countries possess unique and unparalleled sacred sites, and organizing pilgrimage tours for followers of Christianity, Islam, and Buddhism is one of the current priorities.

Keywords: Central Asia, tourism, pilgrimage sites, sacred places, traditions, values, globalization processes, pilgrimage rituals, nation, pilgrimage tourism.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ
ЎРНИ****Жумаева Шоира Бердияровна**

Доцент, т.ф.ф.д.(PhD) Тарих кафедраси, Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация. Мазкур мақолада Марказий Осиё муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлариниг ўзига хос томонлари, зиёрат маросимларидағи умумийлик ҳамда бугунги кунда зиёрат маросимларидағи ўзгаришлар ёритиб берилган. Шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантиришда зиёратгоҳларни ўрни ва аҳамияти таҳлил этилган. Сўнгги йилларда зиёрат туризми йўналишида саёҳат қилувчилар сони ошиб бормоқда. Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ўзига хос, бетакор қадамжо ва зиёратгоҳларга эга бўлиб, христиан, ислом ва буддавийлик дини зиёратчилари учун зиёрат турларини ташкил этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, туризм, зиёратгоҳлар, қадамжо, анъана, қадрият, глабаллашув жараёнлари, зиёрат маросимлари, миллат, зиёрат туризми.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI10Y2024N05>

Кириш. Халқаро ва ички туризм соҳасида зиёрат туризми муҳим аҳамиятга эга тармоқлардан бири ҳисобланади. Сайёҳлар муқаддас қадамжо ва диний марказларга зиёрат ва экскурсия учун ташриф буюрадилар. Зиёрат қилиш ҳодисаси цивилизациялараро алоқаларнинг муҳим шаклларидан бири сифатида қаралади, бу қадимги диний анъана бўлиб, минг йиллар давомида ўз тарихий ва маданий моҳиятини сақлаб келган ва ҳозирги кунда замонавий дунёнинг ажралмас қисмига айланган. Турли хил диний маданиятларда зиёрат қилиш битта асосий мақсад - бу зиёратгоҳга сажда қилиш орқали Қодир Тангри билан боғланиш, бу маросимларни очиб берадиган

саёҳатдир. Ўз навбатида, улар икки маданий-тарихий турга бўлинган: диний ва дунёвий, уларнинг ҳар бири келиб чиқиши ҳамда мавжудлиги тарихий-маданий шароитлари таъсири остида шаклланган.

Дунёвий динларда зиёрат билан боғлиқ саёҳатлар икки турга бўлинади: ички ва ташқи. Ички зиёратда мўминлар муайян ҳудуд ёки давлатда жойлашган муқаддас жойларга саёҳат қиласидилар. Ташқи ёки чиқиш зиёратида давлат чегарасидан ташқарида жойлашган бошқа минтаقا, ўзга ҳудудларда жойлашган муқаддас жойларга у ёки бу дин вакиллари томонидан саёҳат амалга оширилада [1]. Замонавий алоқа воситаларининг ривожланиши билан зиёрат умумбашарий ҳодисага айланиб бормоқда, уларга тобора кўпроқ одамлар жалб қилинмоқда. Маълумки, XX аср охири - XXI асрнинг дин, маданият ва диний зиёрат ренессанси юз берди. Бугунги кунда инсоният транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқлари туфайли (хусусан, киберфазо ва e-culture) туризм ва рекреация шаклида дунёни қайта кашф қилмоқда [2; С.-121-124.]. Шундан бери дунёдаги маданий, диний, тарихий ва табиий дикқатга сазовор жойларга ташрифлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Ташриф буюриладиган дикқатга сазовор жойлар рўйхати тобора кенгайиб бормоқда ва ўз мамлакатида етарлича саёҳат қилган ва бошқа кўплаб мамлакатларга ташриф буюрган саёҳатчилар учун қизиқарли бўлган янги туристик кўргазмалар обьектларини ўз ичига олади. Шундай қилиб, XXI асрда янги ҳаёт тарзини ўрнатилиши билан, зиёратнинг маъноси янада бойитилди: агар дастлаб зиёрат муқаддас бурчни бажариш асосида қурилган бўлса, энди у маданиятнинг маънавий пойдеворига нафақат диний қизиқишилар, балки халқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ютуқларига бўлган қизиқишиларни ҳам қамраб олган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот обьекти – Марказий Осиё худудида жойлашган муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар.

Мавзуни тадқиқ этиш жараёнида қиёслаш, тизимли таҳлил, тавсифийлик, тарихийлик, тарихий-қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қозогистон Республикаси (Туркистон, Сайрам ва Чимкент) худудларида 2018-2024 йиллар давомида олиб борилган дала тадқиқотлари материалларидан фойдаланилди.

Мавзуни ёритишида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тўғрисида тарихий-меъморий, археологик, этнологик ҳамда диншунослик нуқтаи назаридан умумлашган маълумотларни ўзида мужассам этган адабиётлардан кенг фойдаланилди. С.Ю.Житенев, Е.А.Калужникова, К.Иманалиев, Н.С.Бакина, И.Останақул, Н.У.Абдулаҳатов, Б.Ҳошимов, Н.У.Абдулаҳатов, Азимов О., З.Ҳайдарова, Э.Ртвеладзе ва шарқшунос К.Мўминовлар каби тадқиқотчилар томонидан яратидган адабиётлар, монография ҳамда илмий мақолаларда берилган илмий маълумотлар асосида мавзу таҳлил этилди.

Натижалар. Марказий Осиё халқларининг миллий маънавий мероси ва менталитетида ўзига хос ўринни эгалловчи зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ анъаналар айни пайтда инсоният маданиятининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари Марказий Осиё худудидаги қадимги меъморий обидалар, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар этнотуризмнинг ривожланишига хизмат қилса, бой тарихий маънавий мерос, қўлёзма асарлар, музейлар маъданий туризмнинг ривожланишида асос бўлади.

Муқаддас мозорлар ва улар билан боғлиқ муқаддас буюмлар ҳақидаги қарашлар асрлар давомида бирга яшаб келаётган туркй халқлар диний ҳиссиётларининг шаклланишида муҳим аҳамият қасб этган. Шу сабабли Марказий Осиё халқлари орасида орасида азалдан улуғ мозорларни зиёрат қилиш ярим ҳаж қилиш баробар сифатида қараб келинган. Жумладан, Самарқанддаги Кусам ибн Аббос қабрини зиёрат қилиш Каъба зиёрати билан тенглаштирилган. Шу сабабдан зиёратчилар Каъба атрофида етти марта айланганларидек, бу мозор атрофида етти бор айланганлар. Хуросонда эса Имом Ризо мозори, Қозоғистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилиш ҳаж билан тенглаштирилган [3; С.-57.].

Марказий Осиё халқлари ўртасида зиёратгоҳларга оид ўзига хос қарашлар ҳам шаклланган. Жумладан, қирғизлар “соғлиқ сўрасанг Иссиқ Отага, бойлик ва чорвага барака истасанг Чўпон Отага, фарзанд тиласанг Манжилли Отага бор” деб қадимдан ишонишган [4; С.-159.].

Туркистон чорвадорлари “Арслонбоб мозорида тунаб, кейин Хўжа Аҳмаддан сўра” нақлига амал қилишган. Яъни биринчи Хўжа Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбобни зиёрат қилиб, кейин Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасига бориш лозимлиги назарда тутилган. Зиёрат анъаналарига кўра Хўжа Аҳмад Яссавийни зиёратга борганда энг аввало Исҳоқ ота ва Қорасоч она – Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ота-оналарини, сўнгра устозлари Арслонбоб мақбарасини зиёрат қилишлари лозим¹. Асрлар давомида мана шу анъанага амал қилиб келинмоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси Марказий Осиёдаги энг машҳур зиёратгоҳлардан бири бўлиб, меъморий мажмуя Буюк Соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилган. Чорвадор қабилаларда қабила задогонларини вафотидан сўнг, машҳур авлиёлар дағн этилган мозорларга қўйиш одати мавжуд бўлган. Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасига Амир Темур эвараси, Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султон Бегим дағн этилиб, XV асрда “Робия Султон Бегим” мақбараси бунёд этилган. Қозоғистон тарихчилари фикрига кўра бу ерга кўплаб қозоқ хонлари, шунингдек таниқли давлат арбоблари дағн этилган. К.Байпаков таъкидлаганидек, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси “дунё мўжизаларидан бири бўлиб, мусулмонлар учун иккинчи Макка ҳисобланади” [5; С.477.].

Муҳокама. Марказий Осиё минтақасида жойлашган Хўжа Аҳмад Яссавий, Арслонбоб, Чўпон ота, Иссиқота, Занги ота, Кусам ибн Аббос, Хўжа Дониёр мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Амир Темур мақбараси, Ҳазрати Али, Шоабдумалик ота, Термизий мақбараси каби зиёратгоҳлари машҳур бўлиб, бу ерга нафақат қўшни республикалар ҳамда Россия, Туркия, Индонейзия, Малайзия, Эрон, Покистон каби давлатлардан зиёратчилар ташриф буюришмоқда. Мазкур зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларга ташриф буюрувчи зиёратчилар этнотуризм, гастрономик туризм, маданий туризм каби туристик соҳалар ривожига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ҳозирги кунда зиёратчилар гавжум мақбаралар, муқаддас қадамжолар атрофида миллий ҳунармандчилик ашёлари билан савдо қилувчи марказларнинг фаолият олиб бориши мазкур ҳудуд аҳолисининг иш билан таъминланишиги ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Марказий Осиё минтақасида зиёрат туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда салбий таъсир қилувчи объектив ва субъектив муаммолар ҳам мавжуд:

¹ Дала тадқиқотлари. Қозоғистон Республикаси, Туркистон шаҳри. 2024 йил.

- худуднинг туристик ресурсларини реклама, тарғибот ва ташвиқот ишларининг пастлиги;
- интернет тезлигининг пастлиги. Бу ҳолат туристлар учун ўз видео ва расмларини қариндош ва яқинлари билан онлайн юбориш имкониятини чеклаб кўймоқда;
- зиёратгоҳлар жойлашган худуд инфраструктурасидаги муаммолар: зиёратгоҳларга олиб борувчи йўлларнинг асосий қисми таъмиглашга муҳтоҷ, ичимлик суви ва табиий газ муаммолари;
- зиёратчилар ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар сони ва хизматлар сифатидаги номутаносиблиқ;
- чегара пунктларида мавжуд бюрократик муаммолар, айниқса транспорт воситалари билан боғлиқ бўлиб, бу зиёратчиларнинг чегара ўтиш пунктларида қолиб кетишларига сабаб бўлмоқда.

Марказий Осиё минтақасида зиёрат туризмини ривожлантириш истиқболли режасида қуйидагилар амалиётга жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Туристик ресурслар тўғрисида сайtlар ва мобил дастурларни ишлаб чиқиши орқали тарғибот ишларини кучайтириш;
- туристик салоҳиятни янада ошириш учун Марказий Осиё минтақаси бўйлаб саёҳат қилиш имкониятини берувчи турларни ташкил этиш, шунингдек, Марказий Осиё ҳудудидаги барча туристик объектларнинг 3D форматдаги вертуал туризм дастурларини ишлаб чиқишилозим. Дастур орқали сайёҳлар тарихий обидалар билан вертуал танишиш ҳамда саёҳат қилмоқчи бўлган объекти тўғрисида маълумот олиш имкониятига эга бўлади;
- минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиши орқали туристлар оқимини кўпайтириш. Масалан, Буюк Ипак йўли лойиҳаси кесимида: Қозоғистон-Ўзбекистон қўшма турлари каби;
- зиёрат туризм йўналишини қўшимча йўналишлар билан бойитиш яъни экотуризм, гастрономик туризм, агротуризм ва бошқалар билан уйғунлаштириш [6; 97-б]. Масалан, Ўзбекистон Республикасида жойлашган соғломлаштириш масканига дам олиш учун келган сайёҳ бевосита ҳудудда жойлашган зиёратгоҳларга ҳам ташриф буюради. Зиёратгоҳ ҳудудида миллий ҳунармандчилик ва эсадалик совғалари савдосини ривожлантириш орқали сайёҳларга миллий маҳсулотларимизни таклиф этишимиз мумкин. Бетакрор миллий таомларимиз ҳамда шириндан-ширин мева-савзовотларимизнинг ўзига хослиги гастрономик туризмни ривожлантиришга хизмат қиласи. Жумладан, ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, гастрономия ва туризм ўртасидаги алоқалар сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ёрдам бериши кузатилмоқда. Ваҳоланки, сайёҳликнинг бу тури келаётган меҳмонларнинг сафарини узайтиришга сабаб бўлади. Бугунги кунда сайёҳлик саноати даромадларида гастрономик туризмнинг улуши 30 фоиздан ошиб бормоқда.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёни жадал кечеётган ҳамда экологик муаммолар қучайган бугунги кунда зиёратгоҳлар ва мукаддас қадамжолар миллатлараро мuloқот, дўстлик ва тотувлик, динлараро бағрикенглик ҳамда толерантликни таъминловчи маскан, шунингдек табиий экотизм учун қўриқхона вазифасини бажармоқда. Бу эса ўз навбатида зиёратгоҳларда археологик, этнологик,

агиографик, лингвистик, тарихий манбашунослик, хужжатшунослик, исломшунослик, архившунослик соҳалари асосида илмий тадқиқотларини олиб боришни тақозо этмоқда. Бундан ташқари зиёратгоҳлар Марказий Осиё минтақасида зиёрат туризмини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлашга, валюта тушумининг кўпайиши, ЯИМнинг ўсиши ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини ошишига ижобий таъсир қилмоқда.

2024 йил 27-29 ноябр Бухоро шаҳрида ўтказилган Халқаро зиёрат туризм ҳафталиги туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар вакилларининг иштирок этиши, шунингдек, “Табаррук зиёратнинг моҳияти”, “Ўзбекистонда зиёрат туризмининг салоҳияти”, “Турк дунёси ва Табаррук зиёрат”, “Туризм соҳасидаги Туркий давлатлар ташкилоти фаолияти”, “Барқарор туризм ва аждодлар меросига хурмат”, Табаррук зиёрат йўналишини маркетинг қилиш”, “Алп Эр Тўнга” мавзуларида семинарлар, шунингдек, “tabarrukziyorat.uz” вебсайти тақдимоти ва соҳадаги муаммолари юзасидан ўтказилган давра суҳбатлари Марказий Осиё минтақасида зиёрат туризми ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, зиёрат туризми тарихи бир, илдизи ва келажаги бир бўлган туркий халқлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Житенев С.Ю. Паломничество как религиозное наследие // Журнал Института наследия, 2015/1 [Электронный ресурс]. — URL: <http://nasledie-journal.ru/ru/journals/2.html>.
2. Киютин В.Г. ИК-технологии в государственном управлении: горизонты развития. — Бишкек, 2015.С.-121-124.
3. Иманалиев К. (2009). Кыргызстан: национальный путь (в поисках самоидентификации). Бишкек, 2009. С.-57.
4. Бакина Н.С. (2012). История средневекового Казахстана. Алматы. С.-159.
5. Байпаков К. (2007).Великий Шелковый путь (на территории Казахстана). Алматы. С.477.
6. Жумаева Ш.Б. Буюк ипак йўлидаги зиёратгоҳ тарихи //”UzBridge” электрон журнали, №2.06.2020.92-99-б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

N^o S/10 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).